

<https://confrencea.org>

### WAYS TO DETERMINE THE ECONOMIC ECONOMIC STRENGTH OF THE FAMILIES INVOLVED IN THE SERVICE

Г.М.Шадиева - СамИСИ профессори, и.ф.д

To determine the indicator of economic strength in the family economy, it often climbed the value indicators based on natural indicators.

Аммо оилада кўшимча ўқитиш билан шуғулланса қанча кишини кутаётганлиги ва унга қанча харажат қилинаётганлиги ҳамда қанча фойда олаётганлигини ҳисоблаш мумкин. Бундай ҳолат сартарошлик билан шуғулланадиган оилаларга ҳам тегишли. Ҳанча кишига хизмат қилаётганлигини ҳисоблаш мумкин. Аммо савдо-сотик билан шуғулландаиган оилада иш натижаси фақат қиймат улчовида ифодаланади, чунки уларнинг сони ва тури жуда кўп бўлганлиги туфайли натурал миқдорини аниқлашнинг имконияти йўқ.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, фойдалилик нуктасини ҳам бирданига қиймат улчовида аниқлашни таклиф қилмоқдамиз. Бу кўрсаткични аниқлаш учун барча харажатларни (ўзгарувчи ва ўзгармас) ўз ичига миқдорни қабул қиламиз, яъни:

$$\Phi_n = \sum z_{гх} = \sum z_{мх};$$

Оиланинг иқтисодий мустаҳкамлигини аниқлаш учун эса барча тушумларни (Q) шу фойдалилик нуктасига (Фн) бўламиз:

$$Им = Q/\Phi_n$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 1 сўм фойдалилик нуктасининг анча тушум билан таъминланганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қанча юқори бўлса шунча яхши.

Кузатилаётган оилаларда иқтисодий барқарорликнинг ҳолатини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Сервис билан шуғулланадиган оилаларда иқтисодий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ва уларнинг қиёсий таҳлили

| Кўрсаткичлар  | Тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар |                   |                   |
|---|---|-------------------|-------------------|
|   | Кўшимча ўқитиш (репетиторлик) билан       | Савдо-сотик билан | Сартарошлик билан |
| 1. Тегишли фаолиятлардан тушум, минг сўм                          | 3910,0                                    | 28184,5           | 2298,8            |
| 2. Ўзгарувчи харажатлар, минг сўм                                 | 282,6                                     | 22056,9           | 837,3             |
| 3. Маржинал даромад, минг сўм (1қ-2қ)                             | 3627,4                                    | 6127,6            | 1461,5            |
| 4. Фойдалилик нуктаси, минг сўм (барча харажатлар суммасига тенг) | 934,0                                     | 24340,7           | 341,0             |
| 5. Оилаларнинг иқтисодий мустаҳкамлик коэффициенти (1қ:4қ)        | 4,19                                      | 1,16              | 6,74              |
| 6. Иқтисодий мустаҳкамлик бўйича оилаларнинг эгаллаган ўринлари   | 2   | 3                 | 1                 |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кўшимча ўқитиш билан шуғулланадиган оилада фойдага эришиш учун 934,0 минг сўм харажатни қоплаш лозим экан. Шу харажатлар қоплансагина кейин фойда олиши мумкин. Аммо савдо-сотик билан шуғулланадиган оилада фойда олиш учун олдин 24340,7 минг сўмлик харажатни қоплаш лозим. Сартарошлик билан шуғулланадиган оилада эса 341,0 минг сўм барча харажатларни қоплаш учун етарли..

<https://confrencea.org>

Шуни инобатга олиш жоизки, ҳамма оилада 5 кишидан иборат одамлар истиқомат қилади. Агар фойдага эришгунча бўладиган харажатларни оила аъзоларига тақсимлайдиган бўлсак, қуйидаги натижаларни кузатиш мумкин. Қўшимча ўқитиш билан шуғулланган оилалар ҳар бир оила аъзосига 186,8 минг сўм (934,0:5) харажат тўғри келади. Савдо-сотик билан шуғулланадиган оилада эса 4868,1 минг сўм (24340,7:5) харажат тўғри келмоқда. Бу қўшимча ўқитиш билан шуғулланган оила аъзосинига нисбатан 26,1 марта (4868,1:186,8) кўпдир. Бу ҳолат кўрсатадики, савдо-сотик билан шуғулланадиган оилада унинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган харажат юки анча юқори экан. Сартарошлик билан шуғулланадиган оилада харажат юки унинг ҳар бир аъзосига атига 68,2 минг сўмдан (341,0:5) тўғри келмоқда. Бу ҳолатдан кўришиб турибдики, сартарошлик сервис билан шуғулланиш оила аъзолари учун анча хатарсиз ва енгилроқ экан.

Аммо хулосани ушбу таҳлил натижаси билан тугатиб бўлмайди. Бозор муносабатлари шароитида оилавий тадбиркорлик ҳам рақобат муҳитига мослашаётган бир паллада ҳар бир оиланинг рақобатбардошлигини ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Оила хўжалиги рақобатбардошлигини унинг молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи билан изоҳлаш мумкин. Оила қанча молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлса, у тенг ҳолда, шунча рақобатбардош бўлади. Оила хўжалиги бозор тизимида талаб ва таклифнинг ўзгаришига қараб ўзининг фаолиятини ўзгартириш ва муҳитга мослаштириб бориши мумкин. Бу эса, ўз навбатида уларнинг молиявий мустаҳкамлигини, яъни рақобатбардошлигини таъминлашни талаб қилади.

Оила хўжалигида молиявий мустаҳкамлигини (Мм) аниқлаш учун барча тушумдан фойдага эришишгача бўлган харажатларни, яъни фойдалилик нуқтасини айриш кифоя:

$$Mm = Q - \Phi n;$$

Ушбу формула билан молиявий мустаҳкамлик миқдори аниқланади. Бу бўйича янада аниқроқ хулоса чиқариш учун молиявий мустаҳкамликнинг даражасини ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учу молиявий мустаҳкамлик миқдорини барча тушумга бўламиз ва қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия ўиламиз.

$$Dmm = (\Phi n / Q) \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми оила хўжалиги барча харажатларини қоплагандан кейинги маблағнинг умумий тушумга нисбатан неча фоиз эканлигини ифодалайди. Буларни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидаги жадвални тавсия қиламиз (2-жадвал).

2 - жадвал

**Хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган оилаларда молиявий мустаҳкамликни (рақобатбардошликни) аниқлаш ҳисоб-китоби ва уларнинг қиёсий таҳлили**

| Кўрсаткичлар  | Тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар |                   |                   |
|---|---|-------------------|-------------------|
|   | Қўшимча ўқи-тиш (Репети-торлик) билан     | Савдо-сотик билан | Сартарошлик билан |
| 1. Тегишли фаолиятлардан тушган тушум, минг сўм                         | 3910,0                                    | 28184,5           | 2298,8            |
| 2. Фойдалилик нуқтаси, минг сўм (барча харажатлар) минг Сум             | 934,0                                     | 24340,7           | 341,0             |
| 3. Молиявий мустаҳкамлик (рақобатбардошлик) миқдори, минг сўм (1қ-2қ)   | 2976,0                                    | 3843,8            | 1957,8            |
| 4. Молиявий мустаҳкамлик (рақобатбардошлик) даражаси, % ((3қ:1қ) · 100) | 76,1                                      | 13,6              | 85,2              |
| 5. Молиявий мустаҳкамлик даражаси бўйича оилаларнинг эгаллаган ўринлари | 2   | 3                 | 1                 |

<https://confrencea.org>

Ушбу жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, оила хўжалиқларининг рақобатбардошлиги турлича. Энг юқори рақобатбардошлиқ саратарошлиқ сервис билан шуғулланадиган оилаларда. Унинг миқдори мазкур оилада 85,2%ни ташкил қилади. Иккинчи ўринда кўшимча ўқитиш билан шуғулланадиган оилага тўғри келади. Унинг миқдори 76,1% ни ташкил қилади. Охириги ўринда савдо-сотиқ сервис билан шуғулланадиган оиланики экан. Бу ерда фойдалалилик нуқтасини қоплагандан кейинги қолган сўмма, унинг умумий тушумига нисбатан, атиги 13,6% ни ташкил қилади.

Бундан кўрииб турибдики савдо-сотиқ билан шуғулланадиган оила хўжалиқ тадбиркорлиги кўпроқ харажатлар ва камроқ рақобатбардош экан. Агар корхоналар фаолияти таҳлил қилинганда эди шу ерда нуқта кўйиб, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун киришиш мумкин эди. Чунки, маълум даражада хулоса қилиш учун тарли далиллар тўпланди, лекин ушбу ҳисоб-китоблар билан чекланиб қолиш оила хўжалиги фаолияти таҳлил қилинганда мумкин эмас. Барча фаолият турлари пировард натижада оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган фойда суммаси билан белгиланади.

Ушбу ҳолатни ўрганиш учун оила хўжалиги фаолиятининг фақат иқтисодий самарадорлигини аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, унинг ижтимоий самарадорлигини ҳам ўрганишни тақозо қилади.

1.Shodieva G. M., Pardaeva O. M. Problems of family entrepreneurship developing and increasing employment and income of the population and reducing poverty //Gwalior Management Academy. – Т. 23. – С. 210.

2.Bhadouria P. S. GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY //WAY. – Т. 87.

3.Shadieva G. M., Kuvandikov S. O. " Mahallabay" approach to assessing the role of family entrepreneurship in regional development //Экономика: анализы и прогнозы. – 2021. – №. 3. – С. 122-126.

MLA

4.Shadiyeva G. Opportunities to Develop Small Business and Family Entrepreneurship in Rural Areas //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2021. – Т. 7. – С. 101-106.

5.Shodieva G. M. Problems of organizational and economic factors and service development in the improvement of family welfare (Doctoral dissertation, Dissertation for the degree of Doctor of Economics. Samarkand). – 2008

6.Mardievna S. G., Boltaevna S. F. The role of public-private partnerships in attracting investment projects in the transport sector //Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. – 2021. – Т. 27. – №. 6